Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

№ 94 (10.343).

1992 йил 18 июнь пайшанба

Баҳоси 2 сўм.

И. А. КАРИМОВ Сеулга келди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Корея Республикаси Президенти Ро Дэ Ўнинг таклифига биноан 16 июнь куни шу мамлакатга расмий давлат ташрифи буюрди.

Тўрт кун давом этадиган ташриф чоғида ҳар иккала томонни қизиқтираётган жуда кўп масалалар юзасидан олий даражада музокаралар ўтказилади. Ташриф режасида Ўзбекистон бошлиғининг йирик саноат марказлари ва илмий марказларни бориб кўриши кўзда тутилган.

Маҳаллий матбуот И. А. Каримов МДҲ таркибидаги мамлакатлардан Жанубий Кореяга келган биринчи раҳбар эканлигини таъкидламоқда. Ўзбекистон ҳудудида ҳозир 200 мингдан ортиқ корейслар яшамоқда, деб ёзади матбуот.

Бу ерда Ўзбекистон Президентининг ҳозирги ташрифи чоғида Осиёдаги икки давлат ўртасида хилма-хил алоқаларни мустаҳкамлашга умид қилинмоқда, бу мамлакатлар ўртасида 1992 йил март ойида дипломатия муносабатлари ўрнатилган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШИФОКОРЛАРИ— «МИКОНД» ИШЧИЛАРИГА

Сеуллик бир гуруҳ шифокорлар етти кун давомида Тошкентдаги «Миконд» заводида бепул тиббий ёрдам кўрсатдилар.

Шифокорлар гуруҳи таркибида ўн нафар врач, тиббий ҳамширалар, доришунослар, жаъми 33 киши бор эди. Улар касалликни аниқладилар, беморларга маслаҳат бердилар, корейсларнинг анъанавий усулларидан ва замонавий тиббиёт ютуқларидан фойдаланиб, беморларни даволадилар. Даволаш учун дори-дармонлар ҳам текинга берилди. Жанубий Корея шифокорлари бир ҳафтада корхонанинг икки минг ходимига ёрдам бердилар. Яқин атрофдаги маҳаллалардан яна беш юзга яқин одамни шифокорлар қабул қилдилар.

Меҳмонларнинг яшаши ва беморларни қабул қилиши учун корхонанинг профилактория ва тиббий-санитария қисми уларнинг ихтиёрига бериб қўйилди.

Жанубий кореялик врачларнинг ҳаммаси диндорлардир. Тиббий ёрдам кўрсатиш учун уларни Сеулдаги «Алилуйя» черкови тўплаган. Улар ўз маблағлари ҳисобидан Тошкентга келдилар. Шифокорларнинг холис ният сафарларини ташкил этишда диндорларнинг Тошкентдаги «Чунь ань» бирлашмасининг пастори Юн Т. Е. ёрдам берди.

(ЎзА мухбири).

ПИЛЛА ТОПШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЙҚУНИ ТАРК ЭТИБ

НОҲИЯ бош пилла қуритиш идораси «кумуш тола» ижодкорлари билан гавжум бўлди. Бу ерда энди эрта тонгдан то қора кечагача пиллачилар ўзларининг бир ойлик машаққатли меҳнатлари маҳсулини топшириш билан овора бўлишди. Бош пиллахона ўн беш кунлар чамаси пиллачилар билан «банд» бўлади. Зеро, ўша ўн беш кун, ҳал қилади, Оҳангарончинг 100 тонналик пилласини.

Мен пиллахонага кириб борганимда эскидан таниш манзарага дуч келдим. Бош пиллахона директори Тошмат ака Каримовнинг ҳам, тақширувчи қиз Беллахоннинг ҳам, бош агроном Ҳайитбой Бўроновнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Иш шу қадар тиғизки, улар билан дурустроқ гаплашиб олишга ҳам фурсат тополмайсиз. Мана, дарвозадан «Оҳангарон» давлат хўжалигининг пилла ортган машинаси кириб келди. Пиллани аввал тақширувчилар, технологлар назардан ўтказадилар, махсус аппаратлар билан тақширадилар.

— Баракалла, қизим,—деди Тошмат ака бир аёлнинг келтирган пилласини кўздан кечираётиб,— «Оҳангарон»нинг ҳиссасини шулар чиқарадида, — дея менга юзланди у.

Кейин билсам хўжалик болалар боғчасининг ходимаси Риҳсинисо Ҳамроева бир қути ипак қурти уруғини парвариш қилиб, 82 килограмм пилла топширибди. Рўзвоной Шодиеванинг келтирган пилласи ундан ҳам кўп: 108 килограмм, ҳа, у бир ярим қути ипак қурти уруғларини парвариш қилган экан. Т. Мамадалиева эса бир қути уруғдан 91 килограмм пилланы фақат олий нав билан топширди.

Тарози ёнига «Олмалиқ» шўро хўжалигининг меҳнат ,фахрийси Ҳасан ака Жўраев келадилар. Бу киши ҳар бир қути ипак қуртини боқиб 93 килограмм пилла топширибдилар. Унинг хизматдоши Зулфия Алматова эса ўттиз грамм уруғдан нақд 155 килограмм пилла топширди. Мен Зулфия опадан бунчалик кўп пилла топширишнинг сирини сўрадим.

— Аввало худо ёрдам берди, ҳаво салқин келди, барглар жуда яхши етилган эди. Айниқса, қуртлар сўнгги «уйқудан» турганда етти-саккиз мартадан тўйдириб барг солдик. Хоналарни вақти-вақти билан шамоллатиб турдик, натижада пиллаларимиз йирик-йирик, сифатли ва мўл бўлди, — дейдилар Зулфия опа.

Мен бу ерда илгариги йиллар ҳам пилла топширишда «улоқ»ни пешма-пеш олиб юрган «Бирлик» ижара жамоасидан Хонбиби Чўнбековани, (у 17 грамм уруғдан 70 килограмм пилла топширган, Алишер Навоий номли шўро хўжалигидан Адолат Пардаевани, Жаннат Мусаевани, Марҳамат Абдуматованы учратдим. Улар бу йил ҳам бир қутидан ипак қурти боқишиб, 85—90 килограммдан ортиқ навли ҳосил топширган.

— Пилланинг ҳаммасини ортиқ навга топширибсиз,—дея юзланаман Жаннат опага.— Бунга қандай эришдингиз, айрим кишиларнинг келтирган пилласида қорапўчоқ жуда кўп.

— Э, иним, ахир ўн-йигирма йилдан бери қурт боқамиз, агар бизнинг етиштирган пиллаларимиз ортиқ навга ўтмаса, унда қурт боқиб нима қилдик, уят бўлар ахир. Бунинг сири йўқ, фақат беш-олти кун кечалари бироз уйқуни тарк этиш зарур холос...

Шу куни ноҳия пиллахонасида тонна-тонна сифатли пилла қабул қилинди: Унинг каттагина қисмини «Оҳангарон», Алишер Навоий номли, «Олмалиқ» давлат хўжаликлари, «Бирлик» ва «Шодималик» ижара жамоаларининг ипак қурти боқувчилари топширдилар.

— «Октябрь» совхозида пилла топшириш бироз кечикди,— дейди Тошмат ака Каримов.— Чунки об-ҳавонинг ниҳоятда паст келиши муносабати билан бу тоғлик зонада қурт уруғлари кечроқ тарқатилган.

Ноҳиянинг режаси бажарилиш арафасида турибди.

Мен ортга қайтаётганимда пиллахона дарвозасидан карвон-карвон пилла ортган машиналар бирин-кетин кириб келардн.

Мўмин ҚАЮМОВ.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛМАЛИҚ ФОСФОГИПСИ ЛИТВАГА ЖЎНАТИЛАДИ

Олмалиқ химия заводида фосфогипсни қайта ишлаш муаммосини ҳал этишда гапдан ишга ўтилди. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқитлари ҳисобланган фосфогипс минглаб тонна тўпланиб қолган.

Химиклар бу муаммони ҳал этиш учун ўзига хос танлов эълон қилдилар. Бу танловда МДҲ мамлакатлари ҳамда Болтиқбўйи давлатлари мутахассислари иштирок этдилар. Ана шу рақобат натижаларига кўра, Болтиқбўйидаги архитектура ва қурилиш институти таклифлари мақбул деб топилди. Технология тажрибаси ўтказиш учун Литвага фосфогипс ва бошқа моддалар жўнатилди.

Ҳамкорликнинг иккинчи босқичи режалаштирилмоқда, унда Олмалиқ заводида тажриба-саноат қурилмаси лойиҳалаштирилади ва қурилади.

Бу шартнома корхонада кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялардан фойдаланиш ишларини давом эттиради. Заводда сувдан такрор-такрор фойдаланиладиган усул жорий этилган, бу эса булғанган оқаваларни сув ҳавзаларига чиқариб юборишни, артезиан сувидан фойдаланишни кескин камайтириш имконини берди. Фосфорит чангини ушлаб қолишга доир чоралар ҳам кўрилмоқда. (ЎзА мухбири).



ПОЙАФЗАЛ фабрикаси Янгийўлдаги пешқадам корхоналардан ҳисобланади. Унинг байналмилал жамоаси ҳар йили жажжи ўғил-қизларга атаб, юзларча минг жуфт пойафзал ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор ишлаб режаларни тўла ва ошириб адо этмоқда. Ушбу суратда корхона ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бирини кўриб турибсиз.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС

АҲГРЕНДА «Касбкор» кичик корхонаси фаолият бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Уни ташкил этишнинг ташаббускори кўп йиллар давомида молия хизматида ишлаган Соатали Одинаевич Исақулов бўлди. Бунинг учун икки қаватли ҳаммом биноси коммунал хўжалиги бўлимидан 300 минг сўмга сотиб олинди. Икки қаватли бу бино давлат муассасасидан жамоа корхонасига айланди. Шу ерда ишлаб турган 44 киши унинг эгаси бўлиб қолди. Бунинг учун зарур маблағ давлат банкидан қарз сифатида олинди.

— Ҳаммом ўрнида кўп тармоқли кичик корхонани барпо этиш ташаббусини шаҳар ҳокимияти ҳам, банк бўлими ҳам қўллаб-қувватлади,— дейди С. Исақулов, — бунинг учун бизга имтиёзли шартлар билан зарур миқдорда пул ажратилди. Уни беш йил давомида узишимиз керак эди. Лекин, дастлабки фаолиятимиз натижасини ҳисоб-китоб қилгандан кейин давлат қарзидан уч йилда қутулишга аҳд қилдик.

Корхона жамоаси аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни ўзининг бевосита вазифаси, деб ҳисоблайди. Устав ва Низомда шундай, деб белгиланган. Ҳозирги вақтда ҳаммом бир маромда ишлаб турипти. Бу ерда 3 та сауна, сартарошхона, чойхона, буфет ҳам бор. Фақат даромад олдинги вақтдагилардан фарқли ўлароқ жамоа кассасига тушмоқда.

— Лекин, ҳамма ишимиз шундан иборат экан, деб ўйламаслик лозим,— дейди директор.— Биз фақат ҳаммом билан чекланиб қолишни хаёлимизга келтирганимиз йўқ. Режаларимиз эса умуман бу бинодан оқилона фойдаланишни назарда тутади. Биз унинг иккинчи қаватида кичик тўқув, тараш цехларини жойлаштиришни назарда тутганмиз. Бу бўлинмалар корхонамиз фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолади.

Кичик корхоналар ҳаётидан

— Умуман кичик корхонада қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади,— сўраймиз Соатали Одинаевичдан?

— Ўтган йилнинг сентябрь ойидаёқ ярим жунли рўмоллар, шарфлар, тўрқўйлаклар ишлаб чиқаришга киришдик. Бундай кийимлар ҳозирги шароитларда жуда камёб бўлиб қолди. Бунинг устига нархлари ҳам баланд. Улар қўпайса албатта, арзонлашади. Қисқа муддатда турли ўлчамдаги шарфлардан 30 минг сўмликдан кўпроғини сотдик. Катта ўлчамли рўмоллар эса, айниқса, Россияда яхши харид қилинмоқда.

Корхона жамоаси шу йилнинг биринчи чорагида салкам 150 дона тўқилган буюмлар тайёрлади. Албатта, бу кўп эмас. Бироқ бу ерда ҳамма иш қўлда бажарилади. Ишчилар ҳам кам. Улар шартнома асосларида ишламоқдалар. Умуман ёмон топишмаяпти. У. Ўлмасова, Ф. Ҳакимхўжаева, Б. Исматуллаева, С. Ҳакимхўжаевалар тўқилган рўмоллар тайёрлашмоқда. Унга талаб катта.

Тўрқўйлакларни асосан касаначилар тайёрлашмоқда. Ўн нафар аёл шуғулланяпти бу иш билан. Улар чакки ишлашмаяпти. Иш ҳақлари ҳам анча баланд. Бизнинг вазифамиз эса уларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, маҳсулотни сотишни уюштиришдан иборат. Бу тартиб ҳатто котибмашинисткага ҳам тааллуқлидир. У мен ва бухгалтер билан маъмурий-бошқарув аппаратини ташкил этади. Машинистка хизмат қоғозларини кўчирганлиги учун ҳақ олмайди. Асосан ўз мутахассислиги бўйича фуқаролар буюртмаларини бажаради.

Ҳозирги вақтда гилам тўқиш билан шуғулланувчи ишчилар ҳам тайёрланди. Улар бу касбни Оҳангарондаги саноат комбинатида ўрганиб қайтишди. Ширкатчилардан юзларча килограмм қўй жуни харид қилинди. Уларни анъанавий қўл усули билан калавага айлантиришяпти. Бу калава гиламлар, поёндозлар ва шолчалар тайёрлаш учун ишлатилади. Биз бу маҳсулотни яқин вақт ичида ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз.

Кичик корхона жамоасининг дастлабки қадамлари дуруст бўлмоқда. Ўйлаймизки, у бундан буён янада самаралироқ бўлади.

И. АХМЕТОВ.

• ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

КУН ТАРТИБИДА ЁШЛАР МУАММОЛАРИ

Ҳозирги кунда вилоятимизда икки миллиондан ортиқ аҳолининг 42,2 фоизини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шулардан 400 минг нафар ўғил-қиз ўрта ва умумтаълим мактабларида, 30 минг нафар ўсмир ҳунар-техника билим юртларида таълим олмоқда. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида 40 мингдан кўпроқ ёш меҳнат қилмоқда. 3,5 мингни эса фойдали иш билан банд.

Бу рақамлардан кўриниб турибдики, вояга етмаган ёшлар вилоятимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Бугунги мураккаб шароитда келажагимиз бўлган ана шу ёш авлод тақдири ҳақида қайғуриш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий муҳофазалаш борасида кечиктирмай зарур тадбирлар кўриш энг асосий вазифалардандир. Бу муҳим масала вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг доимий эътиборидадир.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мувофиқлаштирилган йиғилишда ҳам вояга етмаган ёшларни ишга жойлаштириш, қамоқда бўлиб қайтган ўсмирларни тўғри йўлга солиш, улар ўртасида қонунбузарлик ва қайта жиноят содир этмасликлари учун курашиш чоралари-тадбирлари кўриб чиқилди.

Зеро, кейинги пайтларда бозор иқтисодиёти шароити, етишмовчиликлар туфайли балогатга етмаганлар, ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг кўпайиб бораётганлиги гоят ташвишли ҳолдир.

Ўтган 1991 йилда вояга етмаганлар ва улар иштирокида 762 та жиноят содир этилди, — деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят прокурори А. Маннонов. — Бунда 944 нафар ёш қатнашган. Уларнинг жиноятга қўл урганликларининг асосий сабаби — иш билан таъминланмаганликларидир. Яъни 944 жиноят содир этганларнинг 224 таси ёки ҳар тўртинчиси фойдали меҳнат билан шуғулланмаган.

Ҳозирги пайтда вилоят ички ишлар бошқармаси инспекцияларида 1869 вояга етмаган тартиббузар ҳисобга олинган, шулардан 231 нафари ишламайди; 228 таси ишлашдан ва ўқишдан бош тортганлар, 860 ўсмир суд ҳукми ижросининг бажарилишининг кечиктирилиши, 52 киши қамоқдан қайтиб келганлиги, 30 нафари махсус таълим-тарбия муассасаларидан келганлиги сабабли профилактик ҳисобга олинганлар.

Юқоридаги рақамлар ўсмирлар хулқ-атворларига мунтазам диққат-эътиборли бўлиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси вояга етмаганлар ҳақидаги Низомнинг 13-моддасига асосан балоғат ёшига етмаганларни иш билан таъминлаш масаласи шаҳар ва ноҳия ижроия комитетлари қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга юклатилган. Бугунги кунда эса шаҳар ва ноҳиялардаги бундай комиссияларнинг котиблари лавозимлари қисқариб кетди. Оқибатда тарбияси оғир ўсмир билан ишлаш аросатда қолиб кетди, бу эса албатта, улар орасида жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Ҳакимов ҳам ўз сўзида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг аҳволи тўғрисида тўхталди.

— Ёшларни иш билан таъминлаш энг долзарб масала,— деди Б. Ҳакимов, чунки содир этилаётган аксари жиноятлар бекорчиликдан келиб чиқади. «Бекорчидан худо ҳам безор» деб бежиз айтмайди-ку, халқимиз. Ваҳоланки йилига вилоятда ўн саккиз ёшга тўлган 7300 нафар ёшлар ўқиш ёки ишларга жалб қилинмай қолмоқда. Ўрта мактабни тамомлаган 10 минг 477 нафар ўғил-қиз, армия сафидан қайтган 15 минг нафар йигит, умуман жами 33 мингга яқин ёшларни иш билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Вилоятда ана шундай муҳим масала билан шуғулланиш учун ташкил этилган меҳнат биржаси раиси муовини Н. Тоқиров ҳам ўз ишларини жонлантириб юборишдаги муаммолари билан ўртоқлашди. Шунингдек йиғилишда сўзга чиққан бир қатор шаҳар ва районлардаги ёшлар масалаларига масъуллар ҳам ишни яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Йиғилиш сўнгида вилоят ҳокими муовини Б. Махситов район ва шаҳарлардаги ички ишлар, прокуратура ва халқ таълими ходимларидан иборат комиссия вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини вилоят комиссиясига топшириларини таклиф этди. Вилоят ички ишлар ва халқ таълими бошқармалари, прокуратура ходимлари вакилларидан иборат вилоят комиссияси бу таклифларни ўрганиб, ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга тавсия этади.

Зулҳумор ЖЎРАЕВА.

ЯНГИ НОМЛАР

Вилоят ҳокими қарори билан Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Қибрай, Бўстонлиқ, Чиноз, Тошкент, Оққўрғон районларидаги маъмурий-ҳудудий бирикмаларга, аҳоли истиқомат қиладиган жойларга, хўжаликларга ном берилди ва номини ўзгартирилди. Чунончи:

Ўрта Чирчиқ район ҳокимлигининг «Янги турмуш» ва «Уйшун» қишлоқ шўроларини тузиш тўғрисидаги қарори тасдиқланди.

Шу райондаги Энгельс қишлоқ шўроси ҳудудидаги Димитров қишлоғи «Жанобой», Тельман қишлоғи «Қумариқ», Киров қишлоғи «Наврўз» деб қайта номланди.

Юқори Чирчиқ районидаги:

— Свердлов номли жамоа хўжалиги Аҳмад Яссавий деб.

— «Ленинский путь» жамоа хўжалиги «Ийк-ота» деб,

— «Политотдел» жамоа хўжалиги «Дўстлик» жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди.

— **Бекобод районидаги:**

«Коммунизм» жамоа хўжалиги «Хос» жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди.

— «Октябрь 46 йиллиги» шоличилик давлат хўжалиги «Шоликор» деб номланди.

— «Ленинград» давлат хўжалиги «Бекобод» давлат хўжалиги деб,

— «Коммунистик» қишлоқ шўроси «Дўстлик» қишлоқ шўроси деб ўзгартирилди,

Янгийўл районидаги:

— тугатилган Тимирязев номли давлат хўжалиги негизида ташкил этилган жамоа хўжалигига Ўрисбой Болғабоев номи берилди.

— «Партия XXI съезди» жамоа хўжалиги М. Мирзабобоев номли жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди.

Қуйи Чирчиқ районидаги:

— «Ленинград» жамоа хўжалиги «Тошовул» жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди.

Қибрай районидаги:

— «Ўн қўрғон» қишлоқ шўроси ижкига бўлиниб, унинг негизида «Ён ариқ» қишлоқ шўроси ташкил этилди.

Халқ депутатлари **Бўстонлиқ район** Кенгаши қарорига мувофиқ Боғистон қишлоғи ташкил этилди.

Шу райондаги 30-мактабга Ҳолид Саидхўжаев номи берилди.

Чиноз район ҳокимлигининг район ҳудудида «Янги Чиноз» қўрғони ва «Кўтарма» қишлоқ шўроларини ташкил этиш тўғрисидаги қарори тасдиқланди. Шу райондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» жамоа хўжалиги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди.

Тошкент районидаги:

— Карл Маркс номли қишлоқ шўросининг номи «Кўтарак» деб ўзгартирилди.

Оққўрғон районидаги:

— «Ленинобод» жамоа хўжалиги «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги деб,

— «Дружба» қишлоқ шўроси «Дўстлик» қишлоқ шўроси деб ўзгартирилди.

ҲИСОБ АНИҚ БЎЛСИН

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Жумҳуриятининг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш мақсадида «Меҳнатга яроқли ишсиз аҳолини бир йўла ҳисобга олиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан шаҳар ва район ҳокимлари, халқ депутатлари қишлоқ, қўрғон шўролари ва маҳалла қўмиталари раислари зиммасига 1992 йилнинг 1 июлига қадар бирон кишини ҳам қолдирмай ишсиз аҳолини аниқ ҳисобга олиш ва махсус варақага қайд қилиш масъулияти юклатилди.

Шаҳар ва район ҳокимларига ишсиз аҳолини бир йўла ҳисобга олишга тайёргарликни аҳволини «Иш билан таъминлаш» дастурини яратиш юзасидан тузилган мувофиқлаштирувчи кенгашлар йиғилишида кўриб чиқиш топширилди.

Вилоят бўйича ишсиз аҳолини бирма-бир ҳисобга олишга ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўрилиши учун вилоят ҳисоб-китоб, меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармалари раҳбарлари жавобгардирлар.

ЖАРИМА СОЛИНАДИ

Вилоят ҳокими темир йўл поездларида чиптасиз юрувчи кишиларга жарима солиш ҳақида фармойиш чиқарди. Ушбу фармойишга биноан Тошкент вилоят ҳудудида қатновчи поездларда чиптасиз юрганлиги учун катта ёшдагилардан 15 сўм, 5 ёшдан 10 ёшгача бўлганлардан 10 сўм, миқдордан ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва юкларни олиб юрганликлари учун ҳар 100 килограмм вазндан 15 сўм жарима пули ундирилади.

ҚИЙИН ШАРОИТДА ҲАМ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида кўплаб моҳир пиллакорлар меҳнат қилиб келишмоқда. Уларнинг фидойилик кўрсатиб ишлашлари натижасида хўжалик йиллига давлатга 16 минг килограммдан ортиқ аъло навли пилла етказиб бермоқда.

Бу йил ҳам мўлжалдаги пилла ҳосили етиштирилди.

Хўжаликнинг моҳир пиллакорларн Т. Турсунов, Р. Узбекова, Р. Шегабоева, Т. Рисдавлатова ва З. Ашурбековалар 16 минг 400 килограммлик марра эгалланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

П. ЭРГАШЕВ.

КЎНГЛИНГИЗНИ ХОТИРЖАМ ТУТИНГ!

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРГА МУРОЖААТНОМА

Азиз ўзбекистонлик талабалар!

Кейинги ойларда жонажон республика ҳарбий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни сўраб ёзилган хат ва аризалар кўплаб тушаётганлиги муносабати билан сизларга мурожаат қиламан.

Бундай илтимос қилишларингизнинг сабабларини жуда яхши тушуниб турибман. Бироқ, сизларга маълумки, Ўзбекистон Республикасида зобит ходимлар тайёрлаш фақат учта олий ҳарбий билим юрти (Тошкент олий умумқўшин қўмондонлари билим юрти, Тошкент олий танк қўмондонлари билим юрти ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлари билим юрти) фаолияти билан боғлиқ бўлган соҳалар бўйичагина амалга оширилмоқда.

Мазкур билим юртларидаги ўринларнинг имкони бўлган энг кўп миқдори ва уларнинг ихтисослашувини эътиборга олганда, республика ташқарисидаги барча ўзбекистонлик талабаларнинг таълимни шу ўқув юртларида давом эттиришларини яқин вақт ичида таъминлашнинг иложи йўқ.

1992 йил 15 майда имзоланган «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бирлашган Қуролли Кучларини комплектлаш ва уларда ҳарбий хизматни ўташ қоидалари тўғрисидаги битим»нинг 5-моддасига мувофиқ «Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар талабалар ва тингловчиларга ушбу битим имзоланғунига қадар улар кириб ўқиётган ҳарбий ўқув юртларида таълим олишни бепул давом эттириш ва битириб чиқиш ҳуқуқи берилиши зарур деб ҳисоблайдилар».

Ҳозирги вақтда сизларнинг асосий вазифангиз ўқишга ва ҳарбий интизомга виждонан муносабатда бўлишдан, мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларини барпо этиш ва камол топтириш учун зарур бўладиган ихтисослар бўйича тегишли билим ва кўникмаларни олишдан иборат. Ҳарбий ўқув юртларини битириб чиққанингиздан кейин сизлар ватанингизга қайтиб, ўз халқингизга хизмат қила оласиз.

Сизларга ўқишда муваффақият тилайман.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири, генерал-лейтенант

Р. АҲМЕДОВ.

• *Маҳалла қўмиталари ҳаётидан*

УЮШҚОҚЛИКДА ХОСИЯТ КЎП

Даставвал Тошкент шаҳридаги «Конституция» номли маҳалла қўмитаси ҳақида бир неча маълумот билан таништирайлик. Унинг ҳудудида 11 миллатга мансуб 3,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ташкил топганига эса беш йил бўлди. Унга Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, заҳирадаги тиббий хизмат подполковниги, республикада хизмат кўрсатган врач Тўхтамурод Алимов раислик қилади. Ушбу маҳалла қўмитаси илгари фаолият кўрсатмаганми? Ташкил топгандан сўнг қилган ишлари ва келгусидаги режалари нималардан иборат? Мухбиримиз маҳалла оқсоқоли билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Илгарилари маҳалла қўмитасининг иш фаолияти фақатгина турли ташкилот ва идораларга ариза ёзиб беришдан нарига ўтмасди. Ўша пайтларда «Домком»лик вазифасини ёши ўтиб қолган бир рус аёли бажарарди. Эндиликда унутилган қадриятларимиз тикланмоқда. Бундан беш йил олдин маҳалламиз кексалари ва фаоллари ўзаро маслаҳатлашиб, тўлақонли фаолият кўрсатадиган маҳалла қўмитасини тузишга аҳд қилдик. Бу фикрни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Мана, уч йилдирки, мен унга бошчилик қиляпман. Қўмитамизнинг 11 нафар фаоли бор. Айни пайтда турли комиссиялар ишлаб турипти. Булар хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, тўй маросимлари ўтказиш, ободончилик комиссияларидир. Юқоридаги 11 нафар фаолларимиздан айримлари шу комиссияларга бошчилик қилишмоқда.

— Маҳалла қўмитасининг тузилишига бирон нарса туртки бўлгандир?

— Маълумки, биз етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида кимларнингдир тазйиқи остида яшадик. Ўша пайтларда «ўрмонга ўт кетса, ҳўл қуруқ баравар ёнади», деганларидек яхши урф-одатларимизга ҳам завол етди. Эндиликда биз шуларни тиклашимиз ниҳоятда зарур. Шундай экан, бу ҳар бир кишининг инсоний бурчи бўлиб қолди. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Америка Қўшма Штатларидек давлат ҳам маҳалла қўмиталари фаолиятига катта қизиқиш билан қараб, афзаллик томонларини тушуниб етишган экан, нега биз унинг фаолиятини республикамизнинг ҳар бир бурчагида такомиллаштиришимиз керак эмас.

Ҳар бир инсоннинг бошида яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам бўлади. Ахир кишилар бир-бирларига шундай кунларда асқотишмаса қачон асқотишади. Шу ўринда яна бир нарсани кўрсатиб ўтиш керак. Бирон халқ бошига иш тушса улар бирлашиб, доимо камарбаста бўладилар. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, ишлайдилар. Мисол учун бизнинг маҳалла қўмитамиз ташкил топганда унинг биноси йўқ эди. Мана шу ташландиқ ҳолга келиб қолган бинони таъмирлаб, мебель билан жиҳозладик. Айни пайтда иккита тўйга етадиган идиш-товоқларимиз бор. Мана, кўрдингизми, қилса бўлар экан-ку.

— Маҳалла қўмитасининг ташкил топганидан сўнг маҳалла ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар рўй берди?

— Ўзгаришлар кўп бўлди. Лекин илтимос, сиз уни шунчаки гаплар деб тушунманг. Бизда 500 дан зиёд оила истиқомат қилади. Шу беш йил давомида ёшлар ўртасида жиноят содир қилиш кескин камайди. Тўйлар ҳам илгаригидек дабдабали эмас, тўй маросимларини ўтказиш комиссияси назоратида ўтадиган бўлди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, ёлғизлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзадиган кишилар пайдо бўлди. Қисқаси, қўмита маҳалладаги ҳаётни ўз назоратига олди.

— Тўхтамурод ака, ўзингиз гап очиб қолдингиз. Маълумки, ҳозир иқтисодий қийин давр. Сиз юқорида айтиб ўтган кам даромадли кишиларга қандай ёрдам беряпсизлар?

— Айни пайтда бизда 58 та кам таъминланган оила ҳамда ёлғиз яшайдиган кишилар бор. Бундан ташқари 27 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари истиқомат қилишади. Мана яқинда бўлиб ўтган 9 май байрамида зиёфат ташкил қилиб, уларга эсдалик совғалари топширдик. Ушбу маросимда Яккасарой район ҳокими Ш. Нусратов шахсан қатнашиб, совғаларни фахрийларга ўзи топширди. Бу тадбир фахрийлар ёдидан анчагача кўтарилмаса керак. Кўраяпсизми, биргина шундай иш инсонларни кўнглини қанчалик кўтаради, уларда келажакка умид уйғотади. Бундан ташқари рамазон ҳайити муносабати билан маҳалла жамғармасидан кам таъминланган 18 оилага 100 сўмдан тарқатилди. Февраль ойида эса 2,5 тонна гуруч, 1,5 тонна ун ва тухум аҳолига етказиб берилди. Тўй қилувчиларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам қўли чўзиляпти. Маҳалламиздаги кўп болали Зарифа Раҳимқулова қизини чиқарганди. Маҳалла номидан унга гилам тўёна қилдик.

— Демак, маҳалла қўмиталари яхши ишлаган жойда кишиларга анчагина енгиллик яратилар экан.

— Фикрингизга қўшиламан. Эскидан ўзбек савоб иш қиладиган халқ. Фақат унинг бошини қовуштириб, тўғри йўлга бошлайдиган кишилар ниҳоятда зарур. Биз бундай ишларни яқингинадан бошлаганимиз йўқ. Масалан, 1989 йили Арманистонда зилзила бўлганда маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, жамғармамиздан 2 минг сўм ажратдик. Тожикистонда ер қимирлаганда эса кийимбош юбордик. 1991 йили Жигаристонда фожиа рўй берди. Бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари билан бордик. Вафот этганлар руҳига фотиҳа ўқиб, у ердагиларга 64 жуфт калиш улашиб қайтдик. Буларнинг ҳаммаси оз бўлса-да, маҳалла жамғармаси ҳисобидан албатта. Лекин шунинг ўзи ҳам халқимизнинг фалокат рўй берганда бир бурда нонни ҳам дўсти билан баҳам кўришини исботлаб турипти.

— Сизларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам қўлини чўзаётганлар бўлса керак.

— Ҳа, албатта. Маҳалламизнинг хомийлари бор. Булар «Садаф» фурнитура заводининг директори Иброҳим Аҳмаджонов, «Глобус» ширкатининг бошлиғи Козим Авазов, «Узпромстройбанк» бошлиғи А. П. Ревинлардир. Шуларга минг раҳмат.

— Маҳалла қўмитасининг биноси ҳам эски экан. Шуни янгидан қуриш фикри йўқми?

— Биз бу масалани район раҳбарлари олдига қўйганмиз. Маҳалла қўмитасига бино, чойхона ҳамда кичикроқ бир масжид қуриш ниятимиз бор. Худо хоҳласа бу амалга ошиб қолса ажаб эмас.

— Маҳалла ҳудудидаги кўчалар номи мени ажаблантирди. Левоневский, Пограничный, Педагогический ва ҳоказо. Буларни ўзгартириш пайти келмадими?

— Ўзгартираяпмиз. Яқинда бир кўчани қайта номлаб унга Миршоҳид Мироқилов номини бердик. Бу борада яна тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқи меҳмондўст, қалби дарё халқ. Бу азалдан маълум. Бизнинг маҳалламизда 11 миллат — ўзбек, яҳудий, корейс, грек ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ўзбекнинг уйида тўй бўлса улар қувончимизга шерик. Биз эндиликда Наврўз ва бошқа байрамларни ҳам улар билан бирга ўтказмоқдамиз. Айтмоқчиманки, биз хокисор халқмиз. Лекин кимки бизнинг қадримизни ерга урмоқчи бўлса, овора бўлади. Шундай экан, ҳар биримиз ота-боболаримизнинг ҳавас қилгудек урф-одатларига амал қилиб, маҳалла қўмиталарининг ишини яхшилайлик. Шундагина унутилган қадриятларимиз тикланади.

Суҳбатдош
Неъмат РАФИҚОВ.

ҚУТЛУҒ САНА ОЛДИДАН

ТОШКЕНТДАГИ «Компрессор» заводи жамоаси корхона ишга тушганининг ярим асрлик санасига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Барча цех ва участкаларда уни муносиб нишонлаш учун меҳнат беллашуви авж олаяпти. Унда иштирок этаётган кўпчилик ишчи-хизматчилар топшириқларни ортиғи билан ва сифатли бажаришга эришмоқдалар.

Жамоада шундай илғорлар ҳақида гап кетгудек бўлса, аввало, шу корхонада кўп йил ишлаган, унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган машинасозлар номларини тилга олишади. Узоқ вақтдан бери йиғувчи-чилангарлик касбини улуғлаб келаётган Баҳодир Иноятов, Собит Расулов, Комил Муҳитдинов, чорак асрдан бери жамоа сафида ишлаётган уста Людмила Носикова, бўёқчилар бригадири Абдусамат Мақсудов, чилангар Геннадий Ханявин ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар сменадаги иш кўрсаткичлари 120—125 фоизгача бормоқда.

М. КЕНЖАЕВА.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ижтимоий—гуманитар фанлар бўлими ва «Тошкент ҳақиқати»нинг давра суҳбати

МУСТАҚИЛЛИК





СУРАТЛАРДА: илмий анжуман ҳайъати ва мажлислар залида.

ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» мавзуида илмий анжуман ўтказди.

Халқимизнинг асрлар давомидаги эзгу орзу-умидлари ушалиб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги, жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳот, иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтаётганлиги, бошқарув маҳкамаларининг ислоҳ қилинаётганлиги ва бошқа кўпгина ўзгаришлар табиийки, ижтимоий-гуманитар фанлар олдига ҳам янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Бу долзарб муаммоларни ҳал этмай туриб, республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг чинакам маънодаги эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида ўтказилган республикамизнинг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг муаммоларига бағишланган илмий анжуманда ўз соҳасининг етук билимдонлари бўлган олимлар томонидан қимматли фикр-мулоҳазалар ва фойдали таклифлар ўртага ташланди. Анжуман учун махсус тайёрланган маърузаларда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида анчагина муаммолар тўпланиб қолганлиги, уларни зудлик билан ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Махсус мухбиримиз анжуманда ўз маърузалари билан фаол иштирок этган таниқли олимлар билан учрашиб, уларнинг ўз соҳаларидаги мавжуд муаммолар юзасидан мухтасар сўзлаб беришларини илтимос қилди. Қуйида ана шу давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Музаффар ХАИРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги:

— СОБИҚ СССРда барпо этилган социализм барча соҳада ягона синф ҳукмронлигини таъминлаш, ягона мафкура, ягона партия, ягона мулк шакли, барча республикаларни ягона марказга бўйсундириш асосида қурилган эди. Барча ижтимоий фанлар ана шу сиёсий мақсадга қаратилган, социализмни мафкуравий асослашга бўйсундирилганди. Мамлакатимиздаги социалистик ўзгаришларнинг назарияси бўлиб хизмат қилувчи марксча-ленинча фалсафа эса фалсафа ривожининг сўнгги олий якуни, барча халқлар ва барча даврлар учун ягона ҳақиқий фалсафа деб эълон қилинди.

Ҳозир марксча-ленинча фалсафанинг деярли барча асосий масалалари, унинг ўзагини ташкил этувчи материализм ва диалектикадан тортиб ижтимоий фалсафанинг барча соҳалари кенг муҳокама этилмоқда ва янгидан кўриб чиқилмоқда. Турли дунёқараш, фалсафий таълимотлар ҳақидаги чет эл олимларининг ишлари, ўз вақтида ҳукмронга учраган файласуфларнинг асарлари ҳам кенг эълон қилинмоқда.

Шуни айтиш керакки, марксизм-ленинизм классикларининг асарларида келтирилган қатор фалсафий хулосаларнинг ўзи ҳам ўз даври, яъни XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари билан чегараланганлиги, ҳозирги XX асрнинг иккинчи ярмидаги тараққиёт тенденцияларини тушунтириш учун ожизлиги маълум бўлиб қолди.

«Диалектик ва тарихий материализм» номи билан машҳур бўлган бу марксизм фалсафасидаги материализм ҳам, диалектика ҳам ҳозирги замон табиий фанларининг буюк ва узлуксиз ютуқлари, ижтимоий тараққиётнинг тез ўзгарувчан янгиликларини тушунтириб беришга, уларни илмий талқин этишга ожиз эканлигини намоён этмоқда.

Иккинчидан, марксистик ижтимоий фалсафанинг кўпгина қоидалари, масалалари бизнинг мамлакатда социализм қуриш жараёнида сохталаштирилди, замонавий ривожланишдан ажраб қолган ақида, қуруқ схемага айланиб қолди. Марксча фалсафадаги бу замонага мос келмаслик, ақидачилик КПСС томонидан зўрлик билан ниқобланиб келинган бўлса-да, сўнгги ижтимоий ривожланиш томонидан фош этилди.

Учинчидан, фалсафа фани мамлакатимизда қурилган тоталитар социализмни асослаш ва уни оқлашга қаратилган мафкурининг назарий асосига айлантирилди, натижада у сиёсатга қарам бўлиб қолди, фан сифатида объектив илмий ривожланиш ҳислатидан деярли маҳрум бўлди.

Эндиликда марксча-ленинча фалсафа ўтмишга айланиб, тарих саҳифаларидан ўрин олмоқда, лекин фалсафа илми инсонларнинг маънавий юксалиши учун хизмат этишда, ўз ривожланишида давом этади.

Тоталитар социализмни мустаҳкамлашга қаратилган ва фалсафага янгилик сифатида киритилган «социалистик ҳаёт тарзи», «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият», «нокапиталистик тараққиёт» каби тушунчалар ўзининг сунъий, фанга алоқаси бўлмаган сиёсат учун хизмат қилувчи уйдирма эканлигини кўрсатди.

Дин масаласида ҳам тасаввур ўзгарди: уни инкор этиш, маданиятни динга қарама-қарши қўйиш, эндиликда улар муносабатига, фикрлар хилма-хиллиги, дунёни билиш, инсоннинг маънавиятини шакллантиришда бир-бирини тўлдирувчи усуллар, таълимотлар сифатида талқин этишга ўз ўрнини бўшатмоқда. Диннинг ахлоқий масалалар билан узвий боғлиқлиги, у ахлоқ-одоб, маънавиятни бойитишда муҳим манба эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Марксча-ленинча фалсафанинг ҳар томонлама танқиди, фалсафий билимларни тубдан янгилаш асосида:

Биринчидан, фалсафани синфийлик, партиявийлик принципидан, сиёсат сиқувидан озод этиш, уни инсоният тафаккури ривожи ҳақидаги ва инсоният тараққиёти учун хизмат қилувчи фан сифатида талқин этиш ғояси ётади.

Иккинчидан, фалсафанинг асосий фундамental масалалари, категория, принциплари, структурасининг ҳозирги илмий тафаккур ютуғи, ижтимоий ривожланиш тенденциялари, илмий объективлик асосида янгилаш масалалари олға сурилади.

Учинчидан, фалсафани ўрганиш, ўқитишга бир қолипда ёндашишдан воз кечиш, унга ижодий қараш, ҳар бир халқнинг, регионнинг маънавий бойликларини, хусусиятларини назарга олган ҳолда ёндашиш принципи илгари сурилади.

Тўртинчидан, фалсафани ўқитишни демократлаштириш, ягона ғоя тарғиботчилигидан қутултириб, уни турли миллий маданий қадриятлар, таълимотлар билан бойитиш, кўламини кенгайтириш ҳамда гуманизмнинг, умуминсоний маънавият ва тафаккурнинг ҳозирги ривожланиш йўлига олиб чиқиш зарурияти олға сурилади.

Бешинчидан, эндиликда фалсафани ўрганиш, ўқитиш ва тадқиқ этишда бир хилликдан кўп хилликка, кўп қирраликка ўтиш ғоясига асосланади. Бу йўл — фалсафанинг қадимдан ривожланган тарихий йўлидир. У ҳар доим мунозарада, турли фикрлар тўқнашувида янгиланиб борган, бу фикрлар фалсафий тафаккурнинг турли қирраларини очиш, чек-сиз дунёнинг фалсафий тасаввури ва таҳлил учун хизмат қилган.

Бу принциплар ҳозирги мустақиллик йўлига қадам қўяётган республикамизда фалсафанинг тараққиёт йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Омон ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори, академиянинг мухбир аъзоси:

— ЎЗБЕКИСТОН иқтисодий мустақилликка қадам қўяётган ҳозирги шароитда иқтисод фани ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар, бунда қўлланиладиган услублар, методик ёндашишлар, илмий тафаккур асос бўлувчи сиёсий қўрсаткичлар ва бошқа воситалар тубдан ўзгарди. Аввал иқтисод фани қандай муаммолар устида ишлаш кераклиги КПСС съездлари, пленумлари ва бюрократик марказ қарорларида кўрсатилиб, ҳатто уларни қайси методик йўл билан ҳал этилиши чизиб бериларди. Яна бир муҳим методик таянишлардан бири — собиқ Иттифоқ халқ хўжалигини бузилмас ва мустаҳкам комплекс деб тан олишдан иборат бўлиб, шунга кўра иқтисод фанининг ҳар қандай таклифи биринчи навбатда ана шу комплекснинг самарадорлигини оширишга йўналган бўлиши шарт эди.

Маълумки, иқтисодий мустақилликнинг туб маъноси сиёсатга қараганда чуқурроқ, чунки бунда меҳнатни ва ишлаб чиқаришни бошқаришни тубдан ўзгартириш асосида моддий эҳтиёжларга бўлган талабни қондириш ва биринчи навбатда умуммиллий бозорни шакллантириш, ундан сўнг дунё бозорига оқилона кириб бориш муаммоларини ҳал қилиш керак бўлади. Бундан ташқари бозор шароитига ўтиш энг аввало инсон тарбиясини, унинг тафаккури, бозор шароитининг қонунларини оқилона тан олишни тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Бозор муносабатларига ўтишдан келиб чиқадиган муаммоларни оқилона ҳал қилиш йўллари юзасидан фақат иқтисодчи олимларгина эмас, балки фаннинг бошқа тармоқларининг вакиллари ҳам бош қотиришлари зарур. Ҳозир барча рўзнома, ойнома ва ойнаи жаҳонда ҳамда ўзаро суҳбатларда бозор муносабатларига ўтишнинг Туркия, Америка ва бошқа давлатларнинг моделлари хусусида гапирилмоқда. Аммо бизнинг фикримизча, бозор иқтисодига ўтишда ҳар бир давлатнинг миллий қиёфасини кўрсатувчи ўз йўли бўлиши керак.

Мен кўпгина хорижий мамлакатларда бўлиб, йирик олимлар билан мулоқот натижасида уларнинг тажрибасини ўрганиб шундай хулосага келдимки, бозор муносабатларига ўтишда ҳамма давлатларга тааллуқли иккита модел мавжуд. Улардан биринчиси: маданий-индустриал модел. Бунда ишлаб чиқариш жадаллик билан ривожланиб боради. Одамлар бозор иқтисодининг талабларига таяниб иш кўрадилар.

Иккинчиси: юлғич — савдогарлик модели. Бу йўлдан асосан Африка давлатларининг кўпчилиги бормоқда. Бунда ишлаб чиқариш ўсмайди, мол-товар четдан келтирилиб, унинг бир нархи ўн бараварига сотилади. Қайси йўл билан бўлмасин меҳнат қилмасдан даромад топишга ҳаракат қилинади.

Биз Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиш муаммолари биринчи модел орқали ҳал этилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Бу моделни рўёбга чиқариш учун республикамиз Президенти И. А. Каримов ва ҳукуматимиз етакчилигида катта ишлар қилинаяпти. Президентимиз бошчилигидаги ҳукумат делегациялари бир неча хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиб қайтди ва энди бу тажрибаларни ўзимизда қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

Иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар ва фаннинг бошқа тармоғи вакиллари биргаликда республикамизда умуммиллий ички бозорни шакллантириш ва уни такомиллаштиришнинг илмий асослари тўғрисида ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг дунё бозорига самарали чиқиши муаммолари тўғрисида бош қотиришлари лозим.

Шуни қайд этиш керакки, миллий бозорни ташкил қилиш муаммосини илмий асослашда фикримизча, қуйидаги нарсаларни доимо эсда тутиш керак: аввало одамлар жамият ривожланишининг асоси ҳисобланади. У фақат табиий-жўғрофик ва иқтисодга тааллуқли бўлган омиллар (бунга капитал маблағлар, иш кучининг сони ва сифати, меҳнат самарадорлиги ва бошқалар) таъсирида бўлмай, балки унга тарихий-психологик омиллар ҳамда ушбу миллатнинг маҳсулотларга бўлган ўзига хос талаблари, урф-одати ва миллатга хос бошқа хусусиятлари ҳам бевосита таъсир этади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай миллатга хос бўлган омиллар халқ хўжалигини ривожлантириш стратегия ва тактикасининг асосини ташкил этиши шарт.

Шавкат ЎРОЗАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги:

— СОБИҚ СССР ҳудудида мустақил давлатларнинг ташкил топиши бу давлатларнинг табиати, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг тарихий ўрни ва йўналиши, давлат ва ҳуқуқ институтларининг демократик моҳиятини ўз қонун тизимлари асосида ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Авваллари республикаларнинг ҳуқуқий тизимлари ва қонунлари марказда ишлаб чиқилган ҳужжатлар негизида яратиларди. Бу ҳужжатларни тайёрлашга мамлакатнинг энг билимдон олимлари ва амалиётчилари жалб этиларди. Лекин бунда ҳам турли хил камчилик ва нуқсонларга дуч келинарди. Етарли маълумотга эга бўлмаган, аммо бу ишга сезиларли даражада ўзининг таъсирини ўтказишга қодир «партия аппаратчилари» ўзларининг ҳеч бир асоссиз ва юзаки қарашларини ҳаётга жорий этишга ҳаракат қилардилар. Шу боисдан ҳам қонунчиликда дунё миқёсида синовдан ўтган юксак илмий талаблар даражасига кўтарилишга имконият яратилмади. Кўпгина қонун мажмуаларининг қайтадан кўриб чиқилиши, уларга узлуксиз тузатишлар киритилиши ва ўзгартирилиши, янги шароитга ҳамда «социализм негизлари», «ривожланган социализм», «ғалаба қилган социализм» вазифаларига мослаштирилиши ана шундай ҳаракатларнинг оқибатидир.

Кишиларнинг ҳуқуқий онглари қонунлар тизимидаги бу ўзгаришларни ўзлаштириб улгурмас эди, бу эса ўз навбатида ҳуқуқий фармойишларга нисбатан ишончсизлик ва уларни инкор этиш учун имконият туғдирарди. Моҳиятан олганда, бир авлод ҳаёти давомида тўрт марта Конституция қабул қилинди, бундан ташқари уларнинг ҳар бирига ўнлаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноятчилик ва гражданлик қонунлари мажмуаси уч ва ҳатто тўрт марта, меҳнат қонунлари тизими ҳам бир неча бор қайтадан кўриб чиқилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда, қонун чиқарувчиликда чинакамига бошбошдоқлик ҳукм сурди. Натижада ҳуқуқий қоидаларнинг ноаниқлиги ва ишончсизлиги уларни изоҳлашда хилма-хилликка олиб келди. Бундан ташқари уларни қаттиқ назорат қилиш механизмининг йўқлиги қонунбузарчиликнинг кескин ошиб кетишига имконият яратди. Маълумки, қаерда қонунлар ижроси устидан назорат бўлмаса, ўша ерда масъулиятсизлик ва жавобгарликдан бўйин товлаш авжига чиқади. Буни дунё миқёсида юз бераётган кўпгина воқеа-ҳодисалар тасдиқлаб турибди.

Ҳозир кун тартибига ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси қўйилаётган экан, бунда ишни кишиларда қонунга ҳурмат-эътиборли бўлиш маданиятини шакллантиришдан бошламоқ керак. Қонун яхшими-ёмонми, бизга ёқадими-ёқмайдими — унга ҳаммамиз қатъий риоя қилишимиз лозим. Бошқача муносабат бўлиши мумкин эмас. Қонун — бу халқнинг ақлу фаросати мужассамлашган, мамлакатдаги мавжуд тартибни ифодаловчи жамият ва давлат қурилишининг пойдеворидир. У жамиятдаги турли-туман кучларни бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи ягона воситадир. Маълумки, ҳар бир жамиятда сўз, эътиқод, виждон, йиғилиш ва митинглар ўтказиш эркинлиги, инсон ҳуқуқлари мавжуд, бу ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш кафолатини эса Қонун ўзида мужассамлаштиради. Қонуннинг тили ҳам катта аҳамиятга эгадир. У ижро этилиши учун содда, тушунарли ва барчага қулай бўлмоғи керак. Бу борада муттасил иш олиб бориб, унинг шакли ва услубини такомиллаштириш лозим.

Бугун жамиятимиз секинаста бўлса-да, янги ижтимоий муносабатларга, бозор иқтисодиётига кираётган экан, бу жараён ҳуқуқий тизимларни тубдан янгилашни кун тартибига қўймоқда. Агар ҳозир амал қилинаётган қонун мажмуаларида асосий эътибор давлат манфаатлари, маъмурий-буйруқбозлик тизимига қаратилган бўлса, эндиликда эса қонунчиликда марказий ўринга Инсон, унинг ҳуқуқи, қизиқиши, эҳтиёжи ва келажагига қаратилади.

Ҳаёт давом этаверади, вужудга келаётган муаммолар эса ўзининг зудлик билан ечими топилишини талаб қилади. Шу боисдан ҳозир Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилмоқда. Унинг баъзи бир қоидалари амалда синовдан ўтмоқда. Бу улкан ишга республикамизнинг барча таниқли олимлари ва амалиётчилари жалб этилган, яқин кунлар ичида унинг дастлабки нусхаси тайёр бўлади. Бу иш билан бир қаторда алоҳида қонун ҳужжатларини тайёрлаш устида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда.

Аҳмадали АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, академик:

— ТАРИХ фани совет империяси даврида тоталитар-диктатура режимининг назарий асосчиси В. И. Ленин ва унинг большевиклар партияси мафкурасининг қуроли бўлиб келди. У объектив жараённи таҳлил этишга, КПСС Марказий Комитети белгилаб берган сиёсий, ижтимоий ва ғоявий йўлдан четга чиқа олмади.

Афсуски бу гапларни биз эндигина, қачонким КПСС ҳукмронлиги илдизларига болта урилгандан сўнг гапирадиган бўлдик. Чунки 70 йил давомида совет халқи, биринчи навбатда унинг зиёлилар армиясининг ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, сиёсий ва маданий дунёқараши компартия ғоялари руҳида тарбияланди. Ҳукмрон системанинг матбуоти ва турмалари, унинг иқтисодий тазйиқлари бутун халқ оммасини қўрқувда тутиб келди. 1937—38 ҳамда 1952 йил даҳшатларини кўрган совет халқи, унинг зиёлилари мангурт ғоя қулига айландилар. Бу касаллик давосини қидирганлар эса ўз вақтида минг азоблар зарбидан қурбон бўлдилар. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, ҳозир ҳам биз бу қўрқувдан озод бўлган эмасмиз. Мен бу ҳолни зиёлиларимизга хос фожиа деб биламан.

Шу ўринда мен КПСС сиёсатининг асл моҳиятини очиб берувчи «мутлақо махфий» бир ҳужжатдан парча келтирмоқчиман:

Банд 27. «Маҳаллий аҳоли орасидан етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак».

Банд 35. «Бошланғич ва ўрта мактабларда, ...ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлатиришлиги лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томондан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак.

Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлардан кимлар ватан равнақи учун хизмат қилишган ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ кўтарилиш бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чегаралаб ўтилиши керак».

Банд 44. «Иш жойларида етакчи мутахассислар ишдан олинишига ҳамда уларнинг ўрнига чаламулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор».

Банд 45. «Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатламидан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин».

ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

Бу ҳужжат бандларини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳа, 70 йил давомида Ўзбекистонда тарих фани мана шу руҳни тарannум этишга хизмат қилди. Ана шу руҳда иш олиб борувчи кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди. Олий ўқув юртлари, илмий марказлар, миллий академия, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари очилди. Ташқаридан қараганда, Ўзбекистон ҳар жабҳада ривожланди. Илмий потенциали, маданий ҳаётининг кўлами жиҳатидан илғор тараққий этган мамлакатлардан қолишмайди. Аммо бу устунлик таланган Ўзбекистон бойликлари ва минглаб миллатимиз гулларининг асоссиз қурбон бўлиши ҳисобига яратилган мўъжизадир.

Ўтмишни қоралаш, маданий ва маънавий миллий қадриятларни ҳақоратлаш, ёш авлодга уларни жамият тараққиётига ғов бўлган эскилик сарқитлари деб эълон қилиш ҳисобига бутун авлод ана шу руҳда тарбияланди. Совет империяси сиёсатининг қуроли бўлган тарих фани эса ана шу руҳни илмий асослашга хизмат қилди.

Эндиликда биз мустақилмиз. Бу мустақиллик ҳеч бир қон тўкишларсиз ва талофатсиз қўлга киритилди. Тарих фани ўз назарий ва амалий фаолиятида мустақил Ўзбекистон учун хизмат қилмоғи керак. Тарихчиларимиз олдида республикамизнинг миллий давлат қурилиши, унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий заминини яратиш, унинг маданий ва тарихий мероси асосида миллий давлат мафкурасини ишлаб чиқиш, ислом омилини жаҳон тараққиёти ютуқлари билан илмий боғлаш йўлларини қидириш каби вазифалар турибди. Шундан келиб чиқкан ҳолда яқин тўрт-беш йил ичида тарихчи, музейшунос ва археолог олимларимиз жуда кўпгина муаммоларни ҳал этишлари зарур.

Энг аввало, мустақил давлат қурилиши олдида турган халқ ўзлигини англамоғи, қайси замон, қандай иқтисодий, маданий ва тарихий шароитда, қандай этник компонентлар қоришмасидан тартиб топганлигини аниқлаб, ана шу тарихий-маданий қадриятлар талабидан келиб чиққан ҳолда бугунги, эртанги ва келажак тараққиётини белгилаб олмоғи керак. Кўп асрлик мураккаб тарихимизнинг қай даражада ёритилиши тарих фанининг ана шу бош масаласини ечишга боғлиқдир.

Азим ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти директори, академиянинг мухбир аъзоси:

— ИНҚИЛОБДАН сўнг то сўнгги вақтларга қадар ўзбек тили ўз ривожланиши жараёнида кўпгина тўсиқлар ва чеклашларга дуч келгани, уларнинг салбий таъсири тилимизнинг қўлланиш ва ривожланишида ўз аксини топгани ҳаммамизга маълум. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан тилимизнинг ҳақиқий маънодаги миллий тил бўлишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат ва ҳодисаларга чек қўйилди, яъни давлат тили ҳақидаги Қонун ўзбек тилининг ижтимоий фаолиятининг барча соҳаларида қўлланиладиган тил бўлишини таъминлайдиган, унга қарши бўладиган ҳар қандай уринишларни йўқ қилишга ҳуқуқ берадиган қонун бўлди. Бироқ шуниси ҳам маълум эдики, республикамиз ўз мустақиллигига эга бўлмаган шароитда бошқа соҳаларда бўлгани каби, ўзбек тилини ўз мақсадимизга тўла мос ҳолда ривожлантириш, ўзбек тилини тўла маънода давлат тили даражасига кўтариш ҳуқуқимиз ва имконимиз йўқ эди. Буни биз давлат тили ҳақидаги Қонуннинг моддаларида ҳам аниқ кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви муносабати билан эса ўзбек тилини ҳар тарафлама ривожлантириш, унинг фаолиятимизнинг барча соҳаларида қўлланадиган тил бўлишини, яъни ҳақиқий маънодаги давлат тили бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган барча ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдик. Бинобарин, эндиликдаги биринчи вазифа — берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда шу вақтга қадар ўзбек тилини қандай чеклашлар, тазйиқлар таъсирида бўлганлигини кўрсатувчи фактларни аниқ белгилаб, уларни бартараф этиш ва бундан буён ўзбек тилининг ҳар тарафлама эркин ривожланишига имкон берадиган омилларни белгилаб олиб, шулар асосида ишлашдан иборатдир.

Аввало айтиш керакки, ўзбек тилининг эркин равишда ҳар томонлама ривожланишига имкон бермаган тўсиқ, тазйиқ ва чеклашлар бу тилнинг барча соҳаларида ўзининг салбий изини қолдирган. Лекин уларни бартараф этишда энг муҳим бўлган ишларга асосий эътиборни қаратиш керак бўлади. Назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тили луғат таркибини (лексикасини) биринчи навбатда терминология ва топономия (жой номлари) силсиласини тилнинг софлигини бузувчи, четдан бўлган тазйиқ, салбий таъсирни акс эттирувчи сўз ва иборалардан тозалаш.

2. Иш юритишда русча ва бир қолипдаги иборалардан воз кечиб, ўзбек тилининг қонун-қоидаларига тўла мос келадиган сўз ва ибораларни юзага келтириш ҳамда иш юритишни ана шундай сўз ва иборалар, умуман ўзбек тилига хос сўз ва жумлалар билан олиб бориш.

3. Рус графикаси (кирилица) асосидаги ёзувдан воз кечиб, ўзбек тили ёзувининг ҳар томонлама ривожланиши учун имкон берадиган лотинча ёзувга ўтиш.

4. Лотинча ёзувга ўтиш билан боғлиқ ҳолда ўзбек тилининг янги имло (орфография) қоидаларини яратиш.

5. Ўзбек тилини фаолиятнинг барча соҳаларида иш кўриши, яъни қўлланишини таъминлаш учун бунга эришишга имкон яратадиган барча ишларни — ўқитиш, ўқиш ва бошқа ишларни тўғри ва тўла йўлга қўйиш.

Тўра МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг директори, профессор:

— МУСТАҚИЛЛИК шароитидаги вазифаларни белгилаш бошқа фанларда бўлганидек, адабиётшуносликда ҳам босиб ўтилган йўлга холисона баҳо беришни, эришилган ютуқларни объектив умумлаштириш, бой берилган имкониятларни аниқлаш, хато ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали улардан зарурий хулосалар чиқаришнинг тақозо этади. Шундай экан, адабиётшуносликда юзага келган ҳар бир тадқиқотга конкрет ёндошиб, уни ўз даври ва бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш зарур.

Агар шу нуқтаи назардан жадидчилик ва маърифатчиликка бориб тақаладиган янги адабиётшунослигимиз тарихига назар ташласак, у сип-силлиқ кечмаганлигича, унда арзирли ютуқлар билан бирга кўпгина йўқотишлар ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу даврда биз ўсиш-улғайиш қийинчиликлари билан бир қаторда сталинизм ва турғунлик даврининг оғир жароҳатларини бошдан кечирдик, тоталитар тузум ва эрксизлик оқибатида жиддий методологик хатоларга ҳам йўл қўйдик. Адабиётшунослик асосан бир томонлама, бир дунёқараш доирасида ривожланди, қироатхонлик, шахсий манфаат ва бир-биримизни чалиш биринчи даражага чиқди. Ҳатто ҳозирги кунда ўзларини қайта қуриш, ошкоралик ва демократиянинг зарбдор кучлари деб ҳисоблаётганлар ҳам биргаликда умумий хорга жўр бўлдик, у ёки бу даражада адабиётшунослик сиёсат илмини яратишга ҳисса қўшдик. Бу бир олимнинг хатоси ёки камчилиги эмас, балки ҳаммамизнинг умумий фожиамиз эди.

Хўш, адабиётшунослик тарихини фақат шулар белгилайдими? Йўқ, албатта. Агар ўтилган йўлга холисона баҳо берсак, ўзбекистонда йигирманчи асрнинг бошларидан янги адабиётшуносликнинг, кейинроқ эса шўро адабиётшунослигининг фольклористика, манбаъшунослик, қиёсий адабиётшунослик каби барча соҳаларида арзирли тадқиқотлар яратила бошланди. Бу соҳада айрим мактаблар ва катта миқёсдаги йўналишлар юзага келди. Жумладан, ҳозиргача бизда 40 жилддан ортиқ халқ ижоди намуналари элимизга тақдим этилди. Ўзбекистон фольклористика мактабини республикамиздан ташқарида ҳам тан олишди. Булардан ташқари Алишер Навоий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб ижодларини ёритувчи тадқиқотлар юзага келди. Чўлпон ижодига биринчи бўлиб ҳаққоний баҳо берган Ойбек мақоласидан тортиб шўро даври адабиётини ўрганишга доир арзирли ютуқларга эришилди. Шу ўринда бир қатор йирик тадқиқотларимиз Беруний номли мукофотга сазовор бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Энг чигал ва янгича баҳоланиши зарур бўлган масалалардан бири — XX аср адабиётидир. Бу давр адабиётини яхлит тадқиқ этиш, унинг ҳаётбахш илдизларини очиш, ворисийлик муаммоларини ўрганиш, оқибатда унинг янги тарихини яратиш лозим. Яқин келажакда эса Чўлпон асарларининг 10 жилдлиги, Фитратнинг 15 жилдлигини нашрга тайёрлаш бу соҳадаги йирик ишлардан бўлмоғи керак.

Бизда яхшигина адабий танқид бор эди. У баҳоли қудрат ҳозирги адабий жараённи баҳолаб келмоқда эди. Аммо у кейинги йилларда мақоланависликка ўтиб кетди. Аниқроғи, илмийлигини йўқотиб, унинг соясига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги адабий ҳодисаларга танқидчилардан аввал ёзувчиларнинг ўзлари тўғри ва ҳаққоний баҳо бермоқдалар. Бу ҳол адабиётшунослар олдига янги вазифалар қўймоқда.

Узоқ йиллар давомида «Адабиётнинг бош мезони — ғоявийликдир» деган ақида, зўравонлик сиёсати адабиётга ўтказган зуғум чок-чокидан сўкилган бугунги кунда бу соҳадаги тадқиқотлар бадиийлик муаммосини ўрганишга қаратилмоғи керак. Истиқболда эса адабиёт назариясининг мукаммал кўп жилдлигини, адабий-танқидий қарашлар тарихини яратиш асосий вазифалардандир.

Хуллас, адабиётшуносликда олиб борилаётган тадқиқотларнинг бундан кейинги даражаси ва ривожи эришилган ютуқларнинг инкори тарзида эмас, балки уларнинг тадрижий тараққиёти сифатида давом этиши зарур. Назаримизда адабиётшунослик масалаларини юқори савияда бажариш учун фикрлар хилма-хиллигига, ижобий маънодаги рақобатга, мавзуларни турли гуруҳдаги олимлар томонидан конкурсли асосларда бажаришга кенг йўл очиш, ҳар қандай илмий ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак бўлади. Бу йўл ўзбек адабиётшунослигининг истиқболини белгилайди, деб ўйлаймиз.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори:

— ҲОЗИРГИ кунда республикамизда янги тафаккур ва ошкораликнинг тобора ривожланиб бораётганлиги шарофати билан халқимизнинг ўз маданияти, кўп асрлик ўтмиши тарихини батафсил ва ҳаққоний тарзда билишга бўлган қизиқиши кучаймоқда. Мустақилликка эришишимиз муносабати билан эса хорижий давлатлар, хусусан, шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий алоқаларимиз тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда институтимизнинг Шарқ қўлёзмалари жамғармаси дунёдаги энг йирик қўлёзмалар хазиналаридан бири ҳисобланади. Бу ҳазина Ўрта Осиё ва қўшни хорижий шарқ халқларининг тарихи ва маданиятини, адабиёти ва фан тарихини ўрганиш учун ишончли манбаъдир. Улар фақат илмий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, балки ҳозирги мустақиллик шароитида ёш авлодни ватанпарварлик, одамийлик, юксак ахлоқий хислатлар руҳида тарбиялашдек муқаддас бир амалий қимматга ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам бу бебаҳо маънавий ва илмий бойликни сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш институт ходимлари олдидаги давлат миқёсидаги масъулиятли вазифадир.

Жумҳуриятимиз маънавий ҳаётида содир бўлаётган жараёнлар ҳамда ёзма меросимизнинг ўрганилмаган саҳифалари ҳали қанчалик кўп эканлигини назарга олсак, бажарилган ишлар бу кунинг талабига нисбатан ҳали оз эканлиги, олдимиздаги вазифалар ва муаммолар кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги, ижтимоий-гуманитар фанларга оид қатор камчиликлар шарқшуносликка ҳам бевосита тааллуқли эканлиги кўзга яққол ташланади. Мисол учун жамиятшунослик фанимизда маълум сабабларга кўра тарихимизнинг айрим даврлари ва баъзи шахслар фаолиятини ўрганиш эътибордан четда қолиб келди. Ўтмиш маданиятимиз тарихини ёритиб бериш учун бебаҳо ҳисобланган нодир қўлёзмаларни оммага етказиш масаласида, ҳам синфий нуқтаи назардан ёндошиш, уларни ғоявий кураш доирасига тортишга ҳаракат қилиш маълум салбий таъсир кўрсатди ва бунинг натижасида кўпгина манбаълар оммалаштирилмай келинди. Хусусан, ислом тарихи ва у билан боғлиқ турли муаммолар, Темур ва темурийлар, Бобурийлар даври, Ўрта Осиё хонликлари ва уларнинг Россия томонидан босиб олиниши масалаларига оид ёзма манбалар ва ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Маънавий ҳаётимизда содир бўлаётган бугунги ўзгаришлар бу муаммоларни дарҳол ҳал этишни кун тартибига қўймоқда.

1994 йил март ойида Мирзо Улуғбек таваллудига 600 йил тўлади. Бу санани кенг миқёсда нишонлаш борасида ҳукумат қарори ҳам чиққан. Институтда олимнинг «Зижи жадиди кўрагоний» асари ва умуман XV аср Самарқанд илмий мактаби меросини нашрга тайёрлаш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Олимларимизнинг муҳим вазифаларидан яна бири — қўлёзмаларнинг нодир нусхаларини факсимил шаклида кўпайтириб қўйиш, чет эллардаги кутубхоналарда сақланаётган бизга учун керакли қўлёзмаларнинг микрофильм нусхаларини олиб институтда сақлаш, қўлёзмаларни таъмирлаш ва ҳаттотлик мактаби ташкил этиш, қўлёзма асарлар ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни ЭҲМга ёзиб олиб, дунё ахборот алмашиш тизимига киритиш учун ҳозирлашдан иборатдир. Шу кунларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Мерос» илмий маркази қуриш ҳақида қарор қабул қилиниб, унга жой ажратилди. Бу марказ қурилиши билан биз юқорида санаб ўтган ёзма меросни сақлаш ва ўрганишнинг замонавий техникавий воситаларга эга бўлишимизга умид қиламиз.

Азиз ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти директори, академиянинг мухбир аъзоси:

— ҚЎЛЁЗМА меросини ўрганиш иши уни араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувидан ҳозирги имлода илмий жамоатчиликка ва оммага етказиш орқали бошланади. Бу соҳада маълум тажрибага эгамиз. Жумладан, Навоий асарларининг 15 жилдлик нашри, шоирнинг ҳозир чоп этилаётган 20 жилдлик куллиёти, Фурқат асарлари мажмуаси, Аваз Ўтар асарларининг танқидий матни, «Ўзбек адабиёти бўстони» рукни билан босилаётган китоблар ва бошқа нашрлар бунга мисол бўлади.

Барча нашрларнинг фазилат ва нуқсонлари кўпчиликка аён. Манбаъшуносликка оид қоидаларнинг тўла ишлаб чиқилмаганлиги бу ишни мураккаблаштирмоқда. Яъни айрим сўзларнинг ўқилишида хилма-хилликка йўл қўйилмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Қўлёзма манбаъларни илмий истифодага киритишда уларни араб, форс тилларига таржима қилиш, эски ўзбек тилидан рус тилига таржима этиш, эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига ўгказиш тажрибаси ҳам анча бойиди. Мисол учун Беруний, ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий асарларининг араб тилидан ўзбек ва рус тилларига қилинган таржималарини келтириш мумкин. Шунингдек Ҳакимхон тўранинг «Мунтахабут таворих», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансобус салотин», Навоийнинг рус тилида нашр этилган насрий асарлари ва бошқалар ҳам ана шулар жумласидандир. «Қутадғу билиг»нинг насрий баёни, Ирқ битиги, Навоийнинг «Хамса» достонлари, «Лисон ут-тайр» достони, «Маҳбуб ул-қулуб», «Ваққия» ва бошқа асарларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги насрий баёнлари бу ижод намуналарини халққа яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биз бу соҳадаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт. Классик меросимиз ҳозирги ўзбек тилига ағдарилган нусхалари ҳозирги ўзбек адабий тилини бойитишда ҳам хизмат қилажаги шубҳасиздир.

Нодир қўлёзмаларнинг факсимил нашрларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада озми-кўпми тажрибага эгамиз. Бу борадаги охирги ишимиз «Наводир ун-ниҳоя»нинг Теҳрон нусхасининг нашри бўлди. Бу иш давом этмоғи зарур. Хусусан, «Қутадғу билиг»нинг Тошкентда сақланаётган қўлёзмасини дарҳол нашр этмоқ керак. Асл нусхаси Тошкентда бўлатуриб, бу қўлёзма икки мартаба Туркияда, бир марта Шинжон ўлкасида факсимил ҳолида нашр этилди. Тошкентда эса ҳозиргача босилган эмас. Навоийнинг «Бадое ул-бидоя» девонининг зеру забарли қўлёзмаси, Жомийнинг ғазал куллиёти, «Девони Мақнуна», Муниснинг ёшлик девони каби нодир қўлёзмаларнинг факсимил нашрлари амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қўлёзма китоблар ҳали тўлалигича ўрганилган эмас. Шунинг учун қўлёзмалар жамғармасида аниқланган кўпгина асарлар янгилик бўлиб чиқади. Масалан, Қосимийнинг «Мажмуал ашъер» асари Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асаридан олдин ёзилгани маълум бўлди. У Ҳайдар Хоразмийнинг «Маҳзан ул-асрор»идан кейинги дидактик маснавий бўлиб, бу маснавийларнинг дастлабки силсиласига оиддир.

Қўлёзмалар жамғармасида Кулфат, Шўхий каби ҳалигача бизга таниш бўлмаган шоирларнинг девонлари аниқланди. Бобурнинг муаммо назариясига оид рисоласи борлиги маълум бўлди. Булардан ташқари Фурқат, Нодира каби ижодкорларнинг ҳозиргача маълум бўлмаган шеърлари илмий истифодага киритилмоқда. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Кейинги вақтларда қўлёзмаларни илмий тавсифлаш ва каталогларини тузиб нашр этиш суст бормоқда. Масалан, институтимиздаги мавжуд қўлёзма ва тошбосма асарларнинг 10 фоизи ҳам ҳали илмий тавсифдан ўтказилган эмас. Шарқшунослик институтида ҳам аҳвол шундай. Бу ишларнинг сурътатини жадаллаштириш, бунинг учун моддий ва маънавий имкониятлар қидириб топиш зарур. Айни пайтда қўлёзмалар хазинасини ҳали халқимиз қўлида бўлган қўлёзма ва тошбосма китобларни йиғиб олиш ҳисобига бойитиб бормоқ лозим. Афсуски кейинги пайтларда бу борадаги ишлар жуда сусайиб кетди. Маблағ йўқлиги туфайли китоб харид қилиш деярли тўхтаб қолди.

Кейинги 20—30 йил орасида илмий муассасаларда каллиграфия санъатига эътибор сусайди. Натижада бу соҳадаги мутахассисларимиз камайиб кетди. Энг муҳим вазифалардан бири каллиграфия санъатини кенг кўламда ривожлантиришдан иборат бўлмоғи лозим. Ўзбекистонда асрлар давомида шаклланган ҳуснихат санъатини тўла миқёсда тикламоқ керак.

Турк руний, суғд, эски уйғур ёзувида яратилган ёдгорликларни, шунингдек «Авесто»ни чуқур ўрганмоқ ва уларни кенг китобхонлар ўртасида ташвиқ этмоқ галдаги вазифалардандир. Уларни изчил амалга ошириш учун илмий кадрлар тайёрлашни йўлга қўймоқ лозим. Бунинг учун Тошкент дорилфунунининг филология факультетида, Шарқшунослик институтида манбаъшунослик ва матишунослик гуруҳларини тузмоқ керак. Ёшларни қадимий ёдгорликларни ўрганмоқ ишига жалб этмоқ лозим. Бунинг учун вилоятларимиздаги олий ўқув юртларида бу соҳага меҳр қўйган ёшларни топиб, уларни тарбиялаб етиштиришга алоҳида эътиборни қаратиш керак.

Давра суҳбатини Р. ҒАНИЕВ ёзиб олди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича етук олимларимизнинг илмий анжумандаги маърузалари ва юқоридаги давра суҳбатидан шу нарса маълум бўладики, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, республикамизнинг келгусидаги ижтимоий фанлар тараққиётини таъминлашда илм аҳли олдида турган вазифалар ва муаммолар оз эмас. Зеро, уларнинг ҳаммаси юзасидан бир мулоқот доирасида сўз юритиш ҳам асло мумкин эмас. Ўйлаймизки, таниқли олимларимизнинг бу фикр-мулоҳазалари муштарийларимизни бефарқ қолдирмайди. Биз «Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва илм-фанимиз истиқболи» мавзуига бундан кейин ҳам қайтиш ниятидамиз.





Суратларда: сессия қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Даврон АҲМАД суратлари.

● *Пахта далаларида*

ЭНГ МУҲИМИ...

ДЕҲҚОН меҳнатига тараф йўқ. Айниқса, пахтакор ҳақида сўз кетганда, унинг маҳоратига, ғайратига, шижоатига тан берамиз. Бу йилги шароитда улар чинакамига фидойилик кўрсатдилар. Назаримизда фидойиликнинг илк натижаларини кўзга ташланиб қолди: об-ҳавонинг ноқулай келганлиги билан боғлиқ чигит экиш-у, уни ундириб олиш билан боғлиқ қийинчиликлар энди ортда қолгандек. Асосий майдонларда ғўза бутлаб олинди. Катта-катта пайкалларда ғўзалар шоналай бошладн. Ҳозирги кунга қадар ялгана тугалланди, экин уч маротаба культивациядан чиқарилди. Ўтдан тозалаш ишлари ҳам асосан ниҳоясига етказилди.

Агарда шу пайтгача олиб борилган курашлар, кўрилган чора-тадбирлар гектарларнинг тўлиқлигини, кўчатларнинг бут бўлишини таъмин этишга қаратилган бўлса, эндиликда бутун диққат-эътибор, имконият, тажрибалар ҳар туп ўсимликнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши, мўл ҳосил тўплашига қаратилади. Бу иш осон эмас, албатта. Бу мақсадга эришиш учун энг муҳими деҳқончилик таомилидаги юмушларни ўз вақти-соатида амалга ошириш, бунда йилимизнинг, фаслимизнинг ўзига хос хусусиятлари-ю, даланинг ҳолатини ҳисобга олиш талаб этилади.

Асосий эътибор биринчи навбатда қатқалоқ, дўл, сел туфайли эзилиб, «қийналиб», ўсишдан қолган ғўзаларни яхши ғўзалар қаторига етказиб олишга қаратилмоғи муҳимдир. Бунинг учун эса озиқлантириш даркор.

Биринчи озиқлантириш культивация билан бирга ернинг табиий намн ҳисобига ўтказилган эди. Иккинчи озиқлантириш эса суғориш билан қўшиб олиб борилиши ва бу иш ҳамма ерда узоғи билан 1 июлгача тугалланиши шартдир. Ана шунда озуқанинг нафи катта бўлади. Ёш ниҳоллар озуқадан ҳар жиҳатдан баҳра олиб, тезроқ ривожга, сўнг эса ҳосилга киради.

Ўт босган пайкалларни тозалаб олишга катта куч сарфланди. Бунинг натижасида ёш ниҳоллар бегона ўтдан ҳоли қилинди. Лекин ҳали хотиржамликка берилиш эрта. Текширишлар шуни кўрсатдики, Ўрта Чирчиқ ноҳиясида бегона ўтга қарши кураш ишлари анча сифатсиз ўтказилган. Пискент ноҳиясида ҳам ҳали ўт босган далалар бор. Фурсат ғанимат. Сафарбарликни кучайтириш керак.

Ҳозирги кунда ғўзага ширa, трипс сингари ҳашаротлар оралаб қолди. Кунлар исиб кетиши муносабати билан ўргимчак кананинг кўпайиш хавфи туғилмоқда. Лекин сир эмас бир вақтлардагидек ҳашаротга қарши курашда ишлатиладиган дори-дармонлар сероб эмас. Заҳарли химикатлар йўқ омборларда. Мавжуд айрим турларнин эса, ўзингиз биласиз, ишлатиш тақиқлаб қўйилди. Нима қилиш керак? Катта меҳнат ва қийинчиликлар эвазига ундириб олинган ниҳоллар ва кўчатларни ҳашаротга ем қилиб, қараб турниш мумкин эмаску!? Албатта, иложини топиш керак! Бор дори-дармонлардан ниҳоятда усталик билан, тежаб фойдаланиш талаб этилади. Ана шу оз-моз дори ҳам бўлмасачи? У ҳолда ҳашарот тушмаслиги, уни кўпайиб кетмаслигига эришиш керак. Бу ўзимизга, ҳушёрлигимизга боғлиқ. Бу ўринда гап ҳар бир жамоада назоратчи-кузатувчилар тайинлаб, уларнинг меҳнатидан амалда фойдаланиш устида боришти. Назоратчи эринмай ҳар бир пайкални ва далани кузатиб борса ва ҳашарот тушган ерни аниқласа ана шу жойга қўлда ишлов бериб, ҳашаротни йўқотиш мумкин бўлади.

Бу йилги шароитда ғўза зараркунандаларига қарши ҳамма ерда биологик усулдан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун имконият бор. Тажриба тўпланган. Бу имкониятдан, тажрибадан самарали фойдаланиш зарур.

Яна 5—6 кундан сўнг чилла киради. Ҳарорат қатгиқ кўтарилиши мумкин. Экининг сувга бўлган талаби ниҳоятда кучаяди. Чиллада сувчилар сонини кўпайтиришни мўлжаллаб шу кунларда тайёргарлик ишларини кўриб қўйиш лозимдир.

Далада, кун тиғида ишлаш осон эмас. Белгиланган тадбирлар ва режаларнинг бекаму-кўст амалга оширишни таъминлаш учун ҳозирги қийин иқтисодий шароитда пахтакорнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш ғоят муҳим ва ҳаётий вазифадир. Хўжалик раҳбарлари бу вазифани қанчалик яхши уддасалар ҳосил тақдири ижобий ҳал этилади.

Кенг пахтазорларда меҳнат авжида. Мўл ҳосил учун кураш қизғин паллага кирди. Ана шундай дамларда пахтакорга ҳар жиҳатдан мададкор, ҳамкор бўлиб, унинг кайфиятини, руҳини кўтарайлик.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.

ҚЎШИМЧА ИШЛОВДАН СЎНГ

ШУ ЙИЛ 15 май куни бўлиб ўтган кучли ёғингарчилик кўпгина хўжаликларга жумладан, «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонларига катта ташвиш келтирди. Улар қисқа вақт ичида 1000 гектар майдонга барака уруғи экиб бир текис ундириб олишганди. Мурғак ғўзаларга дастлабки ишлов бериш уюшқоқлик билан давом этаётган пайтда кутилмаганда кучли ёмғир қуйиб берди.

— Бу бизга жуда қимматга тушди. 800 гектар жойдаги ниҳоллар талофат кўрди,— дейди жамоанинг бош агрономи Турмуҳаммад Усмонов.— Аммо, одамларимиз довдираб қолишмади, бор куч-имкониятларни ишга солиб, офат оқибатларини бартараф этишга киришдик. 500 гектар ғўза майдонига қўлда чигит экилди. 200 гектарга эса қайтадан барака уруғи қададик.

Жаладан зарар кўрган Сами Ғаниев, Абдулла Эргашев, Ҳабил Тўрахўжаев, Собир Ғаппоров, Қурбон Исаев каби бригадаларда дала ишлари қизғин, айниқса, қўшимча ишлов бериш, озиқлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Бу борада моҳир механизатор Бахтиёр Орзиев, Ҳаққор Маматов, Ориф Эшонқулов, Зиёдулла Шаймонов, Хўжақул Алимов, Абдусамат Шайқуловлар фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Даладаги заҳматкаш, меҳнатсевар фуқаролар ишидан кўнглимиз тўлди. Жамоа бошқаруви далада ишлаётганларга шарт-шароит яратиш, уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш борасида қатор тадбирий чоралар кўришаётир. Шубҳасиз, бу ҳатти-ҳаракатлар, мутахассисларнинг бугунги кўрсатаётган жасорати, келажакда ўз самарасини беради.

О. ТУРАҚУЛОВ.
Оққўрғон райони.

«НАВБАҲОР» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

● БЕКОБОД ноҳиясидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигининг ташкил этилганига бир йил бўлди.

— Илгари ичимлик сувлар ташиб келтирилар эди, — дейди хўжалик директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Хўжааҳмад Бобомуродов, — ҳозир икки километр ерга сув қувурлари тортиб, марказий ҳудудда яшовчи ҳамма аҳоли ичимлик сув билан юз фоиз таъминланди. Ошхона, чойхона, марказий устахона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ғишт заводи ва шлакблок ишлаб чиқариладиган цех ишга туширилди. Битта мактаб ҳамда 90 ўринли болалар боғчасига пойдевор қўйилди. Шунингдек аҳоли учун уй-жой қурилишига ҳам киришилди.

Келгуси йили ҳаммом, кинозал ва бошқа маданий-маъмурий бинолар бунёд этишни режалаштиришипти.

П. ЭРГАШЕВ.

ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТДА

Оҳангарон районининг «Ўзбекистон» номли ширкатида уруш ва меҳнат фахрийлари доимо назатда бўлишади. Уларга ширкат ишчилар қўмитаси кўплаб имтиёзларни яратиб бермоқда.

Яқинда ўттиз нафардан зиёд фахрий кўҳна Самарқанд бўйлаб уч кунлик саёҳатда бўлишиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди.

Сафар таассуротлари барча фахрийларда катта қизғиш уйғотди.

А. МАҲКАМОВ.

АНГРЕНДА ТАНТАНА







ҚАНДАЙ замонда яшамайлик халқимиз ўз анъанавий байрамларини ўтказган ва ўтказиб келмоқда. Куни кеча Ангрен шаҳри аҳолиси «Шаҳар бир оиладеклиги билан машҳур» номли анъанавий шаҳар байрамининг 46 йиллигини кенг нишонлади. Тонг отиши билан шаҳарнинг турли чеккаларида карнай-сурнай наволари янграй бошлади. Айниқса, Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида, «Кимёгар» ўйингоҳида, Ленин номли майдон одамлар билан гавжум. Бу ерларда турли ёшдаги, турли касбдаги ангренликларни учратиш мумкин. Байрам маросимини шаҳар ҳокими С. Юсупалиев табрик сўзлари билан очди:

— 46 йил муқаддам жумҳурият Олий Кенгашининг қарори билан Тошкент вилояти тасарруфидаги шаҳар номига сазовор бўлган Ангрен аҳолиси, аввалдан жасоратли, меҳнаткаш ва бунёдкор бўлган. Уруш йилларида Донбассу Кузбассдан келган тажрибали шахтёрлар билан бирга маҳаллий халқ вакиллари бўлмиш Умурзоқ ака, Мадамин ака, Холмат Ҳамроқулов, Маматали Пиримқулов, Бобоназар Йўлдошев, Зуҳрахон Каримова, опа-сингил Санобар, Хадича Саидова ва шуларга ўхшаш фахрийларимиз ҳафталаб ер тагидан чиқмай фронт учун деб кўмир қазиб, завод ва фабрика, электростанцияларимизнинг тўхтовсиз ишлашини таъмин этганлар. Бугун уларнинг кўпчилиги орамизда йўқ. Келинг, уларни эслаб, улардек ишлайлик, улардек яшайлик!

Байрамга қўшни Тожикистон жумҳурияти Хўжанд шаҳар ижроия қўмитаси раисининг муовини Баҳодир Ҳамидов раҳбарлигидаги бир гуруҳ ўртоқлар келишиб, ангренликларни байрам билан қутлаб, эсдалик совғаларни топширишди. Шундан сўнг Ангрен шаҳрини қуришда фаол иштирок этган 1940-йилларда келган биринчи қурувчи, биринчи ўқитувчи, биринчи кончи, биринчи собиқ комсомоллар, хуллас ҳамма шаҳар фахрийлари йиғилиб, 15-механизациялашган кўчма колоннанинг дам олиш оромгоҳида бир пиёла чой устида суҳбат қурдилар.

Фахрийлардан Ада Ивановна, Исроил Исмоиловлар байрамни кўзларида ёш билан кутиб олишди. Чунки 46 йилдан бери улар биринчи марта йиғилишлари, биринчи марта бирга байрамни нишонлашлари эди. Ада Старовойтова шундай деди:

— Биз бу ўлкага ўз хоҳишимиз билан келганмиз, уни ташлаб кетишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Кўрсатган хизматлари учун халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши **Мамадали Пиримқуловга — фахрий кончи; Исмоил Исроиловга — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи; Татьяна Шмаковага — Ангрен шаҳрининг фахрий фуқароси** номларини берди. 50 дан ортиқ фахрийларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳар маданият уйлари қошидаги бадиий дасталар байрам файзига файз, халқ шодлигига шодлик қўшишди. Сайил жойларида кўчма ошхоналар, китоб ва эсдалик совғалар кўчма озиқ-овқат ва саноат моллари дўкончалари ташкил этилди.

Кимёгарлар ўйингоҳида пойтахтдаги Муқимий номли жумҳурият мусиқали драма театрининг етакчи артистлари Фароғат Раҳматова, Наима ва Суръат Пўлатовлар, Мариям Ихтиёрова, Абдуҳолиқ Мамарасулов ва миниатюра театрининг бошқа артистлари иштирокида катта байрам концерти бўлди.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: Ангрен шаҳридаги байрам тантаналаридан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.







200 ЙИЛЛИГИГА НОДИРАБЕГИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ

«ФИҒОНКИМ, ГАРДИШИ ДАВРОН...»

(НОДИРАБЕГИМ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС)

Нетай, ким ёри жонимни йўқотдим мен диёримдин,
Бўлиб беҳуду беҳушлар жудомен ҳам қароримдин,
Азизам, дардкашу ғамхор, маним ул йўқу боримдин,
Фиғонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен бехабарсен ҳоли зоримдин.

Қилар ишим ўшал кундин фарёд ўлди, андоғким,
Ки, чун телба ғаҳе кулгу, гоҳ шод ўлди, андоғким,
Ҳазондек тўздию жисмим, бедод ўлди, андоғким —
Ғуборим ишқ водисида барбод ўлди, андоғким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин.

Юракка сиғмайин, эвоҳ, тўкулгай юз уза дардим,
Бу дарди чорасиздин мен, аё дўстлар, ки сорғардим,
Кўзумда ғам, юзумда ғам, дилимда ғам, дуто қаддим,
Қизил қондир сиришким, заъфарондир чеҳран зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмас ҳазон бирла баҳоримдин.

Малак тарк айлабон энди юрак-бағрим кабоб ўлди,
Кабоб не, бу вужуд буткул фироқда хок-туроб ўлди,
Дегаймен: оҳ, бу не ёмиш, бу не янглиғ азоб ўлди —
Бузулди рўзгорим, хонаи айшим харроб ўлди,
На роҳат кўргамен энди бузулғон рўзгоримдин.

Қачон енггай висоли шамс зимистондек фироғини,
Умидим ғунчаси такрор очурми ўз яфроғини,
Бўлурму кўзга суртмоқлик насиб хокин оёғини,
Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини,
Берурман жон, сабо ногаҳ хабар келтурса ёримдин.

Куюб оҳим ўтидин еру кўк бирёна бўлмишлар,
Унут Мажнуну Фарҳод, бу ҳолим афсона бўлмишлар,
Кўзу кўнгил ёр ғамидин кўру девона бўлмишлар,
Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,
Ки, мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Келурму деб йўлида мен неча ойким умид тутдим,
Вале келмас, эшигидин паришон ҳол неча ўтдим,
Дил муродим тополмасдин куюб узлат сари кетдим,
Ғаҳи йиртиб яқо, ғаҳ қон ютуб, гоҳи фиғон эттим,
Нелар ўтди бу ақшом, Нодира, жони фигоримдин.

Дилмурод САИДОВ.

ХАЛҚАРО КИНОАНЖУМАН ТАРАДДУДИ

МАЪЛУМКИ, бу йил кузда меҳмондўст она-диёримизда яна жаҳон кино санъати усталари тўпланишади. Ўзбекистон Республикасида Давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг илк бор 8 дан 15 октябргача Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI халқаро кино анжумани ўтказилади. Унинг ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бўлиб, Маданият, умуминсоний қадриятлар халқ академияси эса унга ҳомийлик қилмоқда.

Халқаро кинофестивалга тайёргарлик ва уни ўтказиш ишларига раҳбарлик қилишни Ташкилий қўмита ўз зиммасига олган бўлиб, Бош дирекция эса ижроий орган ҳисобланади.

Тошкент кинофестивали дастурида бадиий фильмларни танлов асосида ва ахборот тарзида намойиш этиш акс эттирилган, шунингдек, миллий кинематографчилар ва айрим ижодкорларнинг фильмлари ҳам репроспектив тарзда кўрсатилади. Хусусан, бу сафар Раж Капурлар сулоласи ва турк кино санъатининг энг яхши асарларини томошабинларга тақдим этиш мўлжалланмоқда.

Фестиваль кунларида Тошкентнинг энг яхши кинотеатрларида анжуман фильмлари намойиш қилинади. Кино байрамининг тантанали очилиши Алишер Навоий номли Санъат саройида бўлиб ўтади. Фильмларнинг танлови эса Киночилар уйида ўтказилади.

Жаҳон кинематографиясининг таниқли намоёндаларидан ташкил топган халқаро ҳайъат ўз ихтиёрида бешта махсус совринга, шу жумладан, бош соврин — «Олтин Семурғ»га эга бўлади. Бундан ташқари турли ижодий уюшмалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ўзларининг рағбатлантирувчи мукофотларини жорий этадилар.

Анъанага кўра фестиваль доирасида кинобозор ишлаб туради. Бу ерда ҳар бир иштирокчига олиб борадиган музокаралари, ўз фильмларини тарғиб қилиш ва шартномалар тузишлари учун кенг имкониятлар яратилиб берилади.

Киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонларини рангбаранг мавзуларни қамраб олган маданий дастур кутмоқда. Улар кўҳна Самарқанд шаҳрига саёҳат қиладилар, ёшлар, адабиёт, санъат ва фан намоёндалари билан учрашувлар ўтказадилар. Буларнинг ҳаммаси анжуман меҳмонлари ва иштирокчиларига мустақил Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий жараёнлар билан яқиндан танишиш имконини беради.

16 июнь куни Тошкентдаги Киночилар уйида бўлиб ўтган матбуот вакиллари билан мулоқотда ана шулар ҳақида батафсил сўз юритилди. Мазкур йиғилишда халқаро кино анжуманни ўтказиш Ташкилий қўмита ва Бош идора аъзолари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этдилар.

Унда халқаро Тошкент киноанжуманининг Ташкилий қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Э. Саманов раҳбарлик қилиши маълум қилинди.

Ташкилий қўмита ва Бош идора аъзолари — Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг раиси М. Қаюмов, Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясининг раиси Х. Р. Жўраев, «Юлдуз» кино ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори А. М. Хўжаев, Маданият, умуминсоний қадриятлар халқ академияси Ўзбекистон бўлимининг вакили А. А. Халилов, халқаро киноанжуман матбуот марказининг раҳбари, «Халқ сўзи» газетасининг бош муҳаррири вазифасини бажарувчи А. Жўрабоев ва бошқалар журналистларни қизиқтираётган кўпгина саволларга жавоб бердилар.

Ўйлаймизки, бўлажак халқаро Тошкент киноанжуманининг эзгу ғоялари ва анъаналари Она-сайёрамиз халқлари орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир қадам бўлиб, кино санъатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Р. ҚУДРАТОВ.

• ЯНГИ КИТОБЛАР

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

КЕЙИНГИ йилларда табиатни етарли муҳофаза қилмаслик, атроф-муҳитнинг тозалигига жиддий эътибор бермаслик натижасида Ўзбекистонда мева, ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандалару фойдали ҳашаротларга қирғин келди, уларнинг зоти мутлақо бузилиб кетди. Хусусан, ғўза парваришн ва пахта ҳосилини йиғиб олиш масаласи билан боғлиқ зараркунандалик жумҳурият аҳолиси соғлиғига, ўзбек халқи наслига анча шикаст етказди. Майиб-мажруҳ туғиладиган болалар сони ўсди. Инсон шахси, ҳақ-ҳуқуқи, тақдири давлат ҳимоясига олинган бизнинг юртимизда ногирон, ожиз ва ярим ожиз бўлган бундай гўдакларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Махсус интернатлар, мактабларда синфлар ташкил этилган, беморхоналар ва даволаш муассасаларида бўлим, табиб ва ҳамшираллар мавжуд.

Бу эса йилдан-йилга шу соҳа мутахассислари — дефектологларга талабни оширмоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина муаллимлар институтларида дефектология куллиётлари очилган. Афсуски, уларда таълим олаётган талабалар учун ўзбек тилида дастур, қўлланмалар мавжуд эмас. Доцент Волида Раҳмонованинг «Ўқитувчи» нашриётн чоп этган «Дефектология ва логопедия асослари» қўлланмаси бу соҳадаги дастлабки қадам ҳисобланади. Қўлланма ўн бир бўлимдан иборат. Уларда муаллиф, бир томондан, дефектология ва логопедия фанларининг асослари, илмий-назарий масалаларни баён этишга, жумҳуриятимизда бу фанларнинг ўқитилиши масалаларини ёритишга интилган. Иккинчи томондан, тажрибали услубчи — муаллима сифатида болаларнинг нутқида, товуш ва сўзларни талаффуз қилишида, жумла тузишида учрайдиган нуқсон-камчиликларни, тутиб гапиришни таълим-тарбия жараёнида қандай тузатиш йўл-йўриқларини кўрсатган, тавсиялар берган. Китобнинг яна бир ютуғи шундаки, ҳар бир фаслнинг охирида талабалар, тарбиячилар топиб фойдаланиши мумкин бўлган зарур адабиётларнинг муккамал рўйхати, амалий машғулотлари учун савол ва топшириқлар режаси илова қилинган. Бу эса, тарбиячи, мураббияларни ижодий, мустақил ишлашга йўналтиради. Улар бевосита миллий мактабларни кўзлаб тузилган.

Умуман, В. Раҳмонованинг «Дефектология ва логопедия асослари» қўлланмаси шу соҳа ходимлари, биз тарбиячиларга айни муддао бўлди. Унинг таълимий ва ва маърифий қиммати катта.

Оҳахон ҲАМИДОВА,
Акмал Икромов номидаги 217-болалар боғчаси тарбиячиси.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

ИККИТАСИ АНИҚ, ИККИТАСИ КИМ?

Кеча Стокгольмда Швеция—Англия, Мальмёда Франция—Дания учрашувлари ўтказилиб, Европа биринчилигининг дастлабки ярим финал иштирокчилари аниқланди. Бугун Гётеборгда Голландия—Германия, Норчёпингда Шотландия—МДҲ жамоалари ўртасида ўйин бўлади. Кечқурун маҳаллий вақт билан соат 23 да миллионлаб футбол шинавандалари зангори экран қаршисидан жой олиб, футболчиларимизга омад тилашади. Ҳозирча эса ҳар ким жадвалга назар ташлаб ўзича ҳисоб-китоб қилмоқда.

Мухлислар қитъа биринчилиги қонун-қоидаларидан хабардорлар. Лекин шундай бўлса ҳам пировард ўринлар тақсимотидаги назарга олинадиган ҳолатларни эслатиб ўтмоқчимиз. Саралаш ўйинларидан сўнг икки ёки ундан ортиқ жамоалар тўпланган очколари тенг бўлиб қолгудек бўлса биринчи галда барча ўйинларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар инобатга олинади. Агар бу ҳол тенг бўлса, унда барча ўйинларда устунлик кўпроқ тўп киритган жамоага берилади. Бу ҳолатда ҳам ғолиб аниқланмаса, уларнинг ўзаро учрашуви натижаси кучга киради. Юқорида қайд этилган шартлар тенг бўлиб қолгудек бўлса, у ҳолда қуръа ташлаш йўли билан ярим финалчи аниқланади.

Футболчиларимиз қатнашаётган иккинчи гуруҳдаги бугунгача бўлган вазият қуйидагича:

Командалар	У.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
1. Германия	2	1	1	0	3—1	3
2. Голландия	2	1	1	0	1—0	3
3. МДҲ	2	0	2	0	1—1	2
4. Шотландия	2	0	0	2	0—3	0

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

● **«БУРЕВЕСТНИК»** теннис кортларида касаба уюшмалари спортчиларининг республика биринчилигининг ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Қизлар ўртасида дастлабки уч ўринни **Наталья Никитина, Ольга Тимурова** ва **Ирина Кулибаба, ўсмирлар ўртасида Алексей Алексеев, Дмитрий Петухов, Денис Шукохинлар** эгаллашди.

БОКСЧИЛАРНИНГ ОЧИҚ БИРИНЧИЛИГИ

● **ЎСМИРЛАР** ўртасида «Локомотив» спорт клуби очиқ биринчилиги мухлислар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ўз вазирларида ғолиб келиб совриндор бўлган тошкентлик Дилшод Аҳмаджонов (48 килограмм), Ўткир Музаффаров (51 килограмм) ва Ғайрат Расулов (54 килограмм)лар мухлисларда катта таассурот қолдиришди.

Н. БИРБРАГЕР.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—185. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00 31646 нусха босилади.